

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Когон туман Мактабгача таълим Бўлими
Харид комиссиясининг раиси




З.Ж.Кахорова
2022 йил

« »

Когон туман Мактабгача таълим бўлими

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Таъмирланадиган объект	Когон туман Мактабгача таълим Бўлимига қарашли 8-МТТнинг канализация ва сув қувурларини таъмирлаш, 6 та беседка қуриш, қоровулхона қуриш ишлари
2	Буюртмачи	Когон туман Мактабгача таълим бўлими
3	Буюртма учун таъмирлаш	8-МТТнинг канализация ва сув қувурларини таъмирлаш, 6 та беседка қуриш, қоровулхона қуриш ишлари
4	Жойлашган ўрни	Когон шаҳар Қоровулбозор шох куч №5 уй
5	Қатнашувчилар учун талаблар	8-МТТнинг канализация ва сув қувурларини таъмирлаш, 6 та беседка қуриш, қоровулхона қуриш ишлари
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Электрон танлов https://etender.uzex.uz орқали танлов ҳужжатлари
7	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	412 618 840
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил сентябрь ойи
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя қилиш шарт
10	Молиялаштириш манбаи	Бюджет



**ҒИЖДУВОН ТУМАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИГА
ҚАРАШЛИ 8-МТТНИНГ КАНАЛИЗАЦИЯ ВА СУВ КУВУРЛАРИНИ
ТАЪМИРЛАШ, 6 ТА БЕСЕДКА КУРИШ, КОРОВУЛХОНА КУРИШ
НИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Когон туман - 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Когон туман Мактабгача таълим Бўлимига карашли 8-МТТнинг канализация ва сув қувурларини таъмирлаш, 6 та беседка қуриш, коровулхона қуриш ишлари

1.2.Танловнинг юқори қиймати– 412 618 840 (тўрт юз ун икки миллион олти юз ун саккиз минг саккиз юз қирк) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Танлов ҳужжатларида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Когон туман Мактабгача таълим Бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Когон шаҳар Коровулбозор шох куч №5 уй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Когон туман Мактабгача таълим Бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар қўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганилиги
- Техника ҳафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йуриқномалари
- Танлов объектига ўқшаш объектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Солик ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги йўқлиги тугрисида
- Қатнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, мижоз билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида булмаганлиги тугрисидаги қафолат хати.
- Иштирокчи қорхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
- Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги
- Иштирокчи қорхонанинг омборида махсулот мавжудлиги
- Қорхонанинг мавжуд транспорт воситалари ҳақида маълумот
- Ишларни бажариш муддати Қафолат хати
- Нохалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қилишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

4.3.Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Танлов талаблари бўйича талаб қилинган ҳужжатлар бириктирилади

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар қиритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар қиритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш қиритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни қўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни қўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.